

Автомобилда ҳаракатланишга рухсат берувчи стикер олишга кўмаклашадиган ташкилот яна биттага кўпайди



Фото: Ўзрепорт

Ўзбекистонда автомобилларда ҳаракатланишга рухсат этувчи стикер беришга кўмаклашадиган ташкилот яна биттага кўпайди. Эндиликда Ўзбекистон экспортчилари уюшмасига ҳам мана шундай ваколат берилди. Бу ҳақда уюшма матбуот хизмати Хабар.uz'га маълум қилди.

Экспортчилар уюшмаси йирик тадбиркор ва экспортёрларнинг рўйхатини шакллантириб, Адлия вазирлиги томонидан стикер олишга кўмаклашади. Бугундан кучга кирган мазкур келишувга кўра, уюшма Иктисодиёт вазирлигига стикер олишга рухсат сўраётган йирик корхоналар ва тадбиркорларнинг зарурий автомашиналарига истисно тариқасида руйхатини тақдим этади, шундан сўнг тасдиқланган ҳужжат Адлия вазирлигига киритилади.

Бунинг учун стикер олишга талабгор юридик шахс корхона номи ва иш фаолияти нимадан иборатлиги тўғрисида ариза киритиши лозим. Муружат маълум муддат оралиғида кўриб чиқилиб барча талабларга жавоб берсагина стикер олувчилар рўйхатига киритилади. Айни мавзуда уюшмага кунига 400 дан ортиқ муружат ва саволлар келиб тушаётганини ҳисобга олган ҳолда масалага жиддий эътибор қаратилди.

Бу имкониятдан қўштирноқ ичидаги «уддабурон тадбиркорлар» фойдалана олмасликлари учун Ўзбекистон экспортчилари уюшмаси аниқ маълумотларга таяниб, аризаларни кўриб чиқади ва «премиум класс»даги автомобилларни стикер олувчилар рўйхатига киритмайди.

Мурожат учун:
Телеграм : @Exportchilar_uyushmasi
sfazlitdinov@expotruz.com

+998 99 655 22 11 Санжар Фазлиддинов
+998 98 123 77 05 Дилшод Минглиев
+998 90 963 33 75 Жамшед Фаязов

2020-04-03 18:57:38